



# Ishonch

Илоҳият

**Жамиятдаги ҳар қандай янгиликни, ҳар қандай ўзгариш аввало инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилади даркор.**

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

Соғлиқни сақлашни ривожлантириш ва ички ишлар идоралари ходимлари соғлигини муҳофаза қилиш, ёшларни миллий ғоя ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»**

**Усманов Хашим Хамитович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тиббиёт бошқармаси марказий госпитали бошлиғи

Тинчликни, барқарорликни ва жамоат тартибини таъминлашдаги кўп йиллик шавкатли меҳнати ҳамда хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун куйидагилар мукофотлансин:

**«Меҳнат шухрати» ордени билан**

**Эсанов Аҳмад Абдукаҳорович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси тергов хибсхонаси бошлиғи

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**

**Джурбаев Комилжон Махаммадجانович** — Тошкент шаҳар Учтепа тумани ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди бўлими командири

**Умаров Азамат Батирович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати бригадаси милиционери

**«Дўстлик» ордени билан**

**Кириллов Валерий Анатольевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси цех бошлиғи

**Тен Максим Александрович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги бошқармаси гуруҳ бошлиғи

**Якубович Александра Дмитриевна** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш муассасаси бўлим бошлиғи

**«Жасорат» медали билан**

**Абдурахмонов Валижон Кобулович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати баталони гуруҳ командири

**Билолохун Нурилло Сайдуллаевич** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят кидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**Болтабоев Турқин Турдибекович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати баталони милиционери

**Жўраев Улуғбек Тўрабекович** — Тошкент вилояти Бўстонлик тумани ички ишлар бўлими жиноят кидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

**Қабулов Шухрат Айтибаевич** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси тергов хибсхонаси бўлим катта тезкор вакили

**Қурбоналиев Мирзажон Юлдашалиевич** — Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими жиноят кидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

**«Содиқ хизматлари учун» медали билан**

**Арипов Абдугани Маджитович** — Давлат фелдъегерлик хизмати муҳим топшириқлар буйича катта офицери

**Баротов Насриддин Хожиевич** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб буйича махсус инспекцияси бошлиғи

**Исаев Ислом Мардиевич** — Сирдарё вилояти Оқолтин тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Исакова Ленера Тухтамуратовна** — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар буйича катта терговчиси

**Исмаилов Баҳрам Жуманазарович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бўлими бошлиғи

**Қурбон Тўйғун Облоевич** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш муассасаси бошлиғининг ўринбосари

**Қурбон Фарход Жўраевич** — Қашқадарё вилояти Миришкор тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Рахмонов Холмамат Раҳимович** — Наманган вилояти Тўра-

қўрган тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Сайдуллоев Каримжан Пазилжанович** — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси Андижон бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими воғга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш гуруҳи катта инспектори

**Таджибаев Дилшод Джурбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий сафарбарлик ва фуқаролар муҳофазаси бўлими ўта муҳим топшириқлар буйича катта инспектори

**Тураходжаев Насриддин Саидович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида қўриқлаш баталони милиционери

**Сейтинасеров Сейдибахит Сейтқасимович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида қўриқлаш баталони милиционери

**Сейтинасеров Мирзабай Сапарович** — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўлими инспектори

**«Шухрат» медали билан**

**Бибитов Хаким Кузикулович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят кидирув ва терроризмга қарши курашиш

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
Тошкент шаҳри,  
2010 йил 22 октябр

бошқармаси етакчи мутахассиси

**Вафаев Акбар Ахматович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати баталони гуруҳ командири

**Дусназов Шавкат Акрамович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати баталони милиционери

**Садуллаев Азиз Асадович** — Қашқадарё вилояти Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Сейдинасеров Сейдибахит Сейтқасимович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида қўриқлаш баталони милиционери

**Сейтинасеров Мирзабай Сапарович** — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўлими инспектори

**Тагаев Эркин Ибадуллаевич** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси кинология хизмати бошлиғининг ўринбосари

**Тўраев Акмал Жўраевич** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси кичик инспектор-кинологи

**Хўрозов Олимжон Болгаевич** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати баталони махсус отряди инспектори

И. КАРИМОВ

## Қарор ва ижро

# Истиқболли лойиҳалар кўргазмаси

Пойтахтимизда ёшларнинг фан ва инновацион фаолиятини ривожлантиришдаги ўрнига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари тизимидagi эллиқдан ортиқ олий таълим муассасаларидан ёш олимлар, тадқиқотчилар, ихтирочилар ва талабалар иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси, академик Ш.Солиҳов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида илм-фан ривожини учун замонавий шароитларни яратилгани фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борда дастуруламал бўлаётди.



Оттабек МИРСОАТОВ (2-а) олган сурат

Бугун юртимиздаги 224 тажриба конструкторлик ва кичик инновация марказида минглаб олим ва тадқиқотчилар илмий изланиш олиб бормоқда. Давлат бюджетидан молиялаштирилган илмий-техника дастурлари доирасида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бораётган тадқиқотчининг қарийб 3 минг нафари фан докторидир. Ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, ёшларни фан соҳасига жалб қилиш мақсадида 2004 йилдан буён фаннинг барча соҳалари бўйича ҳар икки йилда бир марта ёш олимларнинг фундаментал тадқиқотлари танлов асо-

сида шакллантирилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Ҳозирга қадар ана шундай 180 дан зиёд фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳа бюджет ҳисобидан молиялаштирилди. Жорий йилнинг ўтган даврида ёш олимлар ўртасида танлов ўтказилиб, қарийб 400 лойиҳадан олтидан зиёди танлов олинди. Ҳозир улар амалиётга жорий этилмоқда. Анжуман доирасида ўтказилган ёш олимлар тадқиқотлари кўргазмасида сўнгги 2-3 йилда яратилган ва таълим тизимига жорий этилган дарслик, ўқув қўлланма ва дастурлар, инновацион ишланмалар тақдим этилди. Шу-

нингдек, қишлоқ ҳўжалиги экинлари селекцияси ва уручилиги, уларни зараркундалардан сақлаш, экинларга замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб бериш, фермер хўжаликлари учун ихчам ускуналар, ресурслар ва ёнлиги-мойлаш маҳсулотларини тежовчи машина ва механизмлар намойиш этилди. Танлов олинган истиқболли лойиҳалар 2011 йилда ўтказилган наватдаги Республика инновация ғоялари, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркасида тақдим этилади. **Сайёра ШОЕВА, УзА мухбири**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

22 октябр кунини Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақунларини, шунингдек, 2011 йил учун мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим молиявий-иқтисодий ва дастурий ҳужжатларини, шу жумладан, 2011 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни лойиҳасини, Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқишга бағишланди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан республика Ҳукуматининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан жорий йилнинг 9 ойи мобайнида амалга оширилган ишлар натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва ҳуқуқ таҳлил қилинди. Республикада иқтисодий ривожлантиришнинг танланган ўз модели ва ўз вақтида қабул қилинган 2009-2012 йилларда Инқирозга қарши чоралар дастурининг изчил амалга оширилиши туфайли макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори сурия таъминланаётганини қайд этилди. Жорий йилнинг 9 ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,3 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 8,3 фоизни, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши 7,8 фоизни, хизматлар ҳажмининг ўсиши 11,2 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 9 фоизни ташкил этди. Давлат бюджетиде ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз микдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ортқ бўлмади.

Мамлакатимизнинг экспорт қилувчиларини қўллаб-қувватлаш, экспорт таркибини диверсификациялаш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштириш буйича самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши маҳсулотлар экспорти ҳажминини 10,9 фоизга кўпайтиришни таъминлади.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш давомида республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларида 2010 йил Инвестиция дастурига киритилган объектларни ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш, иқтисодийнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техника ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг қабул қилинган дастурларни амалга ошириш буйича ишларнинг ҳолатини чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

2010 йил январь-сентябр ойларида ўзлаштирилган капитал қўйималар 8,1 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар 15,1 фоизга ўсди. Ўтган даврда 867 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди, 156 та инвестиция лойиҳасини, шу жумладан, енгил саноат, тўқимачилик, озиқ-овқат, нефть-кимё, электротехника, фармацевтика саноатида, машинасозлик, металлургия ва бошқа соҳаларда модернизация қилиш, техника ва технологик қайта жиҳозлаш буйича бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш тугалланди.

Вазирлиқлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларининг эътибори 2010 йил инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни ва объектларни ишга туширишни жадаллаштириш, шунингдек, 2011 йилдан бошланадиган инвестиция лойиҳалари буйича жорий йил охиригача лойиҳа-смета ва тендер ҳужжатларини тасдиқлаш, технологик асос-ускуналар етказиб беришга ва пудрат ишларини бажаришга шартномаларни тузиш билан боғлиқ жаранларни яқунлаш буйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди.

Мажлисида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, транспорт ва коммуникациялар қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш, шунингдек қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини кенгайтириш масалалари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Ўзбекистон миллий автомагистрალი участкаларида 191 км. узунлидаги автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш яқунланганлиги, автомагистрал бўйлаб 41 та йўлбўйи инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилганлиги алоҳида қайд этилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ маблағлари ҳисобига қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини кенгайтириш дастури доирасида қишлоқ турар жой массивларида намунавий лойиҳалар буйича 3597 та уй ва 85 та ижтимоий инфратузилма объекти фойдаланишга топширилди. Республика буйича 1965,8 км. водопровод тармоқлари ишга туширилди, шу жумладан қишлоқ жойларда — 1298,1 км.

Мажлис давомида рақобатбардошли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва уларнинг турларини кўпайтириш, улар билан ички бозорни барқарор тўлдирish буйича қўриб-қувватланган чора-тадбирлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилишга жиддий эътибор берилди. Ишлаб чиқарувчи корхоналарга кенг солиқ имтиёзлари берилганлиги ва уларни кредитлаш орқали қўллаб-қувватлаш кенгайтирилганлиги истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 12 фоизга ўсишини таъминлаганлиги алоҳида қайд қилинди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баравар, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 1,3 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, «Ўзбекенинженеринг», «Ўздонмаҳсулот» компаниялари, «Ег-мой ва озиқ-овқат саноати», «Узелтехсаноат», «Ўзбекнефтегаз» уюшмалари, «Узфармсаноат» концерни, бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, виллоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари олдига озиқ-овқат ва ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, улар билан ички бозорни янада тўлдирish ва экспортга етказиб беришни кўпайтириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, виллоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турларини ва картошкани зарур ҳажмларда гамлашни яқунлашни жадаллаштириш, шунингдек, қиш-баҳор даврида аҳоли эҳтиёжларини барқарор ва ишончли тарзда қондириш мақсадида гамланган захиранинг тизимли равишда бозорга чиқарилишини таъминлаш топширилди.

Мажлисида иқтисодий тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг куз-қиш даврига тайёрлиги ҳолати кўриб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, виллоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бир қатор вазирлиқлар, идоралар, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзтрансгаз» компаниялари раҳбарларининг ҳисоботлари давомида иқтисодий тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жой фондининг 2010-2011 йиллар куз-қиш даврига тайёрлиги ва барқарор ишлашини, шу жумладан, газ етказиб бериш ва энергия билан таъминлайдиган объектларнинг барқарор ишлашини, табиий газ ва электр энергияси узлуқсиз етказиб берилишини таъминлаш учун уларнинг шахсан жавобгар эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Боши 1-бетда)

2011 йил учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозини, солиқ ва бюджет сиёсати концепциясини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни лойиҳасини таҳлил қилиш мажлиси катташчиларнинг диққат-эътиборида бўлди.

Мухоама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг яқли ички маҳсулот, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж ишлари ва хизматлар ҳажми ўсишининг барқарор юқори суръатлари сақланиб қолишини, инфляция даражасининг ошиб кетмаслигини назарда тутилган 2011 йил учун макроиктисодий кўрсаткичлар прогноз бўйича тақлифлари кўриб чиқилди ва умуман қўлаб-қувватланди.

Кўриб чиқил жараёнида 2011 йил учун солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, Давлат бюджетни лойиҳасида иқтисодиётта солиқ юқини янада қисқартириш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ўстириш, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар миқдорини ошириш, аҳолини иқтисодий муҳофаза қилишнинг манзилли бўлишини кучайтириш, таъмин, соғлиқни сақлаш ва фанни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган давлат дастурларини амалга ошириш, фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш назарда тутилганлиги қайд этилди.

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш доирасида микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг базавий ставкасини 7 фоиздан 6 фоизгача пасайтириш ҳамда уни тўлашнинг тақомиллаштирилган тартибни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган жисмоний шахслар даромадида солиқнинг биринчи шкаласи (5 та минимал иш ҳақи миқдоригача даромад) бўйича ставкани 11 фоиздан 10 фоизгача пасайтириш ва иккинчи шкаласи (5 дан 10 та минимал иш ҳақи миқдоригача даромад) бўйича 17 фоиздан 16 фоизгача пасайтириш аҳоли даромадида солиқ юқини янада камайитиришни таъминлайди. Жисмоний шахслар даромадида солиқ ставкаларини камайитириш бўйича тақлиф этилаётган мазкур чоралар натижасида амалда ишловчи аҳолининг барча гуруҳлари манфаат кўради.

Мухоама натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011 йил учун макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозини, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий кўрсаткичларини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни лойиҳасини умуман маъқуллаш ва уларни кўриб чиқил учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг иш билан бандлиги ва фаровонлигини ошириш вазифасига алоҳида эътибор қаратилди. Меҳнат бозорини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг 9 ойида 784,9 мингта, шу жумладан, қишлоқ жойларда 502,4 мингта янги иш ўрни яратилганлиги қайд этилди.

Аҳоли бандлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни фаол давом эттиришнинг муҳимлиги ва иқтисодий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда республика Ҳукумати мажлисида 2011 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси муҳоама қилинди. Мухоамада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар икки палатаси сенаторлари ва депутатлари, Қорақалпо-

ғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари депутатлари қатнашдилар.

Мазкур Дастур лойиҳасида 2011 йилда қўшимча равишда 956,2 мингта янги иш ўрни, шу жумладан, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига 477,8 мингта, касаначиликнинг барча шакллари кенгайтириш ҳисобига 216,2 мингта, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига 72,8 мингта янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилди.

Корхоналар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, барча даражалардаги ҳокимликларнинг раҳбарларига янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини ошириш масалаларини амалий ҳал этиш ва шу асосда одамларнинг даромадлари, фаровонлиги ва ҳаёт сифатини янада юқсалтириш учун шахсий жавобгарлик юқланди.

Кўриб чиқил натижалари бўйича 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси маъқуллашди ва уни тақдирлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳоама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Ушбу қарорларда республика Ҳукуматининг жорий йил 29 январдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан белгиланган берилган 2010 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари баҳарлигини сўзсиз таъминлаш, келгуси йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун ишончли қарорлар яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

(УЗА)

## Аҳоли хизматида

Андижон вилоятида савдо хизматини сифатидан янада яхшилаш, замонавий дўкон ва савдо мажмуалари барпо этиб, аҳолининг кундалик эҳтиёж маҳсулотларига бўлган талабини таъминлаш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда.



«Андижон гўшт-сут савдо» масъулият чекланган жамияти шаҳар ва туманлардаги 389 савдо дўкони билан озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартнома асосида фаол иш олиб бормоқда.

Мазкур жамият жамоаси савдо дўконларини нисбатан арзон

ва сифатли маҳсулотлар билан мунтазам таъминлаб, аҳоли дастурхони тўқиллигига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Суратда: Бўстон даҳасидаги «Двир» савдо дўкони сотувчиси Исмоил Фозилов.

Шухрат ОЛИМОВ (УЗА) олган сурат

25 октябр — Ички ишлар ходимлари куни

## Ватан дея уради юрак

Қавм-қариндошлар бобом Қурбонбой Очилов билан беҳад фахрланишадим. У киши етти пуштига етадиган мерос қолдирган инсон. Бу мерос — юртни севиш, умрбод ота маконга садоқат билан яшаш ва унинг учун хизмат қилиш масъулиятидир.

Бобом иккинчи жаҳон уруши жангдорларида фидойилик кўрсатган. Урушдан кейинги ҳаётини ҳам юрт оқибатига бағишлади. Узоқ йиллар ИИБ бошлиги лавозимида хизмат қилиб, Хоразм милициясининг забардаст оқсоқоли сифатида обрў қозонди. Юзлаб жиноятларни фош қилган, яна қанчасининг олдини олган бобом Ватанини севиш ҳақида қайта-қайта уқтиришдан чарчасмади. Бобом 80 ёшида дунёдан кўз юмди. Хоразмликларнинг бо-

бом номини юқак эҳтиром билан тилга олиши бизда фахр уйғотиш билан бирга муносиб ворис бўлишга даъват қилади. Бобомнинг фарзанди Мадамин Очилов ҳам умрини юрт оқибатига таъминлашга бағишлаб, ўз касбининг фидойисини сифатида элга танилди. Узоқ йиллар турли туманларда ички ишлар бўлимини бошқарди. Ҳозир ҳам халқ хизматиде. Бобомнинг яна бир издоши Музаффар Очилов тизимда самарали фаолият олиб бормоқда.

Президентимизнинг «Юқак маънавият — энгилмас куч» асарини мутлола қилар эканман, шундай фикрларга дуч келдим: «Халқ — бамисоли улғу ва шарфли йўлдан йлгариллаб бораётган улкан қарвон. Уни йўлдан қалғитишга уринувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла

қилувчилар ҳаммиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши мумкин».

— Шунинг учун ҳам фарзандларимиз Ватан учун сиқидилдан хизмат қилишлари керак, — деди Мадамин отам ушбу китобдан олган таассуротларим ҳақида гапирганимда.

Дарҳақиқат, оқила, билимдон ва фидойи кизлари, мард ва жасур йигитлари бўлган юрт тинчлигига қора кучлар таҳдид солишга ботинолмайдим.

Барча соҳа ходимларини касб байрами билан кутлар эканман, биз ёшлар Ватанимизни қўз қорачиқдек асрашга масъул эканлигини яна бир қарра кси қилдим.

Севара ҚАДАМБОВЕВА, Урганч шаҳридаги 5-умумтаълим мактаби 8-«А» синф ўқувчиси

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

## «Саодатим—касбимда»



Қўқонда Анорхон опани танимайдиган одам бўлмас керак. Кимдан сўраманг, «Пойгачи опами? Идорада шаҳар марказида. Касаба уюшмаларида ишлайди», деб дарров йўл кўрсатиб юборади. 2008 йили аёллар ўртасида ўтказилган «Автоолам маликаси» мусобақаларининг вилоят босқинида биринчи ўринни қўлга киритгандан сўнг ҳатто аёл ҳайдовчиларга ишонсизлик билан қарайдиган ИХБ ходимлари ҳам опанинг «Тикос»сини кўришса, «чест» берадиган бўлиб қолишган.

— Аёллар ўртасида милтиқ отиш бўйича вилоят мусобақаларида ҳам биринчи ўринни олганман, — дейди Анорхон опа. — Республика босқинида иккинчи ўринга муносиб кўришди. Қизим Гулнора Андижон тиббиёт институтининг 4-курс талабаси. У ҳам мендек спортнинг аёллар учун ноанъанавий ҳисобланадиган турларига қизиқсади. Пойгачилар ўртасида пойтахтда ўтказилган мусобақаларда бир неча марта қатнашган. «Энг ёш автоолам маликаси» номинациясида қолиб бўлган. Мەرғаник, теннисга муқкасидан кетган. Уйга келди дегунча, ракеткани қўлидан қўймайди. Машинани ўзим тузатиб, ўзим бошқаришим, айниқса, тармоғимиз корхоналари шаҳарнинг турли жойларида жойлашгани сабаб қўл келади. У корхонадан-бу корхонага тинимсиз қатнашман. Утган йили 2-пахта тозалаш заводининг Янгиқўрғон пункти чиланлари бўлиб ишлаган Хусанжон Шобдиров шикоят билан келиб қолди. Унга касб касаллигига учрагани учун корхона томонидан тўланадиган тоvon пуллари нотўғри ҳисобланаётган экан. Хусанжонни машинамга миндирдимда, заводга қараб йўл олдим. Раҳбарлар далага чиқиб кетишибди. Даладан қайтган, меҳнат таътилидаги ҳисобчини кидириб шаҳарда кирмаган жойимиз қолмади. Яна қанча маълумотномаларни тўлдириш учун поликлиника ва шифохона орасида сарсон бўлдим. Бироқ шу кунгич шикоятчи 1 миллион сўм нотўғри ҳисобланган пуллари ундириб олди. Бир неча кундан кейин касаба уюшмаларига миннатдорчилик билдириб, хат ҳам ёзиб юборибди.

Йиғилишларда кўпинча раҳбарларни «Анорхондан ўрнак олинглар. Аёл боши билан ўн та эркекнинг ишини қилади» деган маслаҳатларни эшитиб қолар эдик. Фарзандларини тиришқок, ҳаракатчан қилиб тарбиялаган тиниб-тинимас она ишда ҳам ҳаммиша биринчи. Спартакиада, семинар уюштириш керакми, болаларни оромгоҳларга, ходимларни сихатгоҳларга жўнатиш бўладими, ҳаммасини режадан орттириб бажаради.

Қўқон шаҳар агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши томонидан уюштирилган спартакиадага кетаётган йўлда машинамиз бузилиб қолди. Уч киши қанча уринмайлик, фойдаси бўлмади. Қайсар техникани қани ўрнидан жилса. Бу ёғи — тадбирга кеч қолаяпмиз. Кенгаш раиси Анорхон Умаровага сим қоқиб, узримизни айтишга чоғланган эдик, опа ўзи бизни олиб кетаман, деб туриб олди.

— Ток келмаяпти. Буни қуруқ туртаверишдан фойда йўқ, — деди ўша машҳур голиб «Тикос»ида етиб келган Анорхон опа машинанинг кабелларини бир-бирига улар экан. — Техникани яхши биламан. Ҳозир «тойчоғингиз» юриб кетади.

Машина яна «гижинглаб» йўлга тушди. Учта эркек элпай олган техникани аёл киши ўн дақиқада тузатганидан ҳам ҳайратда, ҳам хижолат тортиб Қўқонга кириб бордик.

— Жаҳлим тез қақиди, — дейди Анорхон опа хижолат бўлиб. — Балки бу камчилигимдир. Бироқ ноҳақликни кўрсат, тек ўтира олмаман. Шаҳарда мен тортишмаган раҳбар йўқ бўлса керак. Албатта, ҳаммаси меҳнаткаш ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш учун. Табиатиمنى яхши биладиган раҳбарлар ҳам эртасига «кеча кизишиб кетдингиз, Анорхон» деб қўйишади. Иш битган, мен ҳам улардан узр сўраган бўламан. 20 йилдан бери касабақўм раиси бўлиб ишлайман. Ишимизнинг паст-баландини яхши тушуниб қолдим. Институтни битириб, илк иш бошлаган корхонам Қўқон одеял фабрикасида касаба уюшмаси раиси бўлдим. 1998 йилда эса шаҳар агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси раислигига сайландим. Ишчилар билан сўхбатлашиб кўнглим очилади. Уларга фойдам тегса, дейман.

Анорхон опа ҳаётни пойгага ўхшатади. «Шошилиш, улгуриш керак, иложи борича кўпроқ одамларга наф етказишга улгуриш. Саодатим — одамларга наф келтирадиган касбимда», дея фахрланади пойгачи аёл.

Ганишер ПАЙЗИЕВ, Фарғона вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мутахассиси

Тадорик



Учтепа — пойтахтимизнинг худудий жиҳатдан энг йирик ва аҳоли сони жиҳатдан гавжум туманларидан бири ҳисобланади. Туманда 57 минг 366 та хонадон мавжуд бўлиб, шундан 37 минг 604 тасини кўп қаватли уйлар, қолганини эса хусусий хонадонлар ташкил этади.

Агар уларга 400 тадан зиёд яқка тартибдаги иш юритувчи, 70 та саноат корхонаси ва қарий 400 га яқин миллий хизмат кўрсатиш корхоналарини қўшиб ҳисобласак, уларни кузқиш мавсумида узлуксиз газ билан таъминлаш учун кўп ишлар қилиниши талаб этилади.

## Мавсумга шай

Бундай улкан масъулиятни чўқур ҳис этган «Учтепа тумангаз» фойдаланиш хизмати жамоаси ёзининг дастлабки кунариданқ ушбу ишга жиддий киришганди.

— Шу мақсадда худудимиздаги умумий узунлиги 348,2 километрик газ қувури, 146 та газ тақсимлаш мосламаси тўлиқ назоратдан ўтказилди, — дейди биз билан сўхбатда ту-

ман газдан фойдаланиш хизмати бош муҳандиси Қодир Исроилов. — Улар юз фоиз тайёр ҳолга келтирилиб, ер устки газ қувурлари таъмирланди. Мавжуд газ ускуналари, дудбуронлар тозаланиб, мавсумга тахт этиб қўйилди. Шунингдек, худудимиздаги «Шо-файзи боғи», «Уриқзор», «Қўрмақобод» маҳаллаларига қўшимча газ тақсимлаш ан-

жомлари ўрнатиб берилди. Бу эса нафақат шу ерда истиқомат қилаётган аҳолини, балки бошқа газдан фойдаланувчиларни ҳам узлуксиз табиий газ билан таъминлаш имкониятини беради.

Ўз мухбиримиз

Суратда: бош муҳандис Қ.Исроилов истеъмолчига тегишли тушунтириш бермоқда.

Самарқанд томонларда

Янги уйлар

2011 йилда «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг имтиёзли кредитлари жалб қилинган ҳолда Самарқанд вилоятининг 14 та туманидаги 23 та массивда намунавий лойиҳа асосидаги 695 та янги турар-жой бинолари аҳолига тақдим этилади.

Шунингдек, худудда қатор ташки муҳандислик ва транспорт-коммуникация тармоқлари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси иншоотлари қурилиши ҳам режалаштирилмоқда.

1033 нафар аъзо

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши савб-ҳаракати билан тармоқ тизими аъзолари сафи кенгайиб бормоқда.

Жорий йилнинг шу даврига қадар 25 та нодавлат ташкилотларида касаба уюшмалари фаолият кўрсата бошлади. 1033 нафар аъзоларга

Қўшработда янги завод

Жанубий кон бошқармасига қарашли 4-Зарметан гидроталлургия заводи фойдаланишга топширилди.

180 миллион АҚШ доллари сарфланган янги заводга бир қатор хорьқий давлатлардан келтирилган замонавий технологиялар ўрнатилган. Турт минг нафар ишчини иш билан таъминлаётган мазкур корхонада иш уч босқичда ташкил этилаётган. Заркент шаҳарчасида болалар спорт уйингоҳи, қишки спорт зал ҳамда маданият саройи бинолари қад ростлади. Бу ерда замонавий лойиҳадаги янги турар-жой бинолари қурилиши ҳам поёнига етмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ

Томорқа — хазина

Асқар «Нексия» олади

ёки минг ташвиқотдан бир ўрнак афзал



Жарқўрган туманининг «Шарқ юлдузи» қишлоқ фуқаролар йиғини худуди Боботоғ этақларига туташ. Худуд бепоеён, ер кенг. Яқин-яқингача бу жойларда ишчи кучи етишмасди. Бозор иқтисодиёти таъсирими, охириги йилларда Жарқўрганнинг турли гўшалари ва қўшни туманлардан мол-ҳол қилиш истагида бўлган, шунигиндек, шаҳар шовқинидан чарчаган одамлар бу жойларга доимий макон қуриб яшаш учун кўчиб кела бошлади. Ҳозир худудда 3612 нафар киши истиқомат қилапти.

Туманда етиштириладиган пахтанинг бешдан бир қисми, бугдойнинг учдан бир қисми шу ерлик деҳқонлар ҳиссасига тўғри келмоқда. «Шарқ юлдузи» СФУ тасарруфидидаги 18 та фермер хўжалиги аъзолари 3500 гектар майдонда пахта, галла, сабзавот экинлари ҳамда мевали боғлар парваришлаб, мўл ҳосил етиштириб турибди.

қўрмасдингиз. Бугун аҳвол тамоман бошқача. Томорқа қишлоқ одамларининг асосий даромад манбаига айланган. Камданкам оиланинг ҳовлисида мактажўхори ёки беда учратасиз. Кўпчилик 8-10 сотихли еридан йилда икки-уч бор ҳосил олиш ҳақиқатига тушган. Албатта, аҳолини томорқаларни бўш қолдирмай, ҳар хил зироатлар ўстиришга қизиқтиришда маҳаллий ҳокимлик вакиллари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, фаоллар, кўчабошилар, хотин-қизлар кўмитаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ходимларининг хизмати беқиёс. Улар одамлар орасида юриб, қараб ўтирган билан осмондан пўл ёғилмаслигини, оёқ остидаги бойлик — заминдан унумли фойдаланишга

нилса, рўзгорга барака кириши, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари серолашиб, бозорларда бўқинлик ва арзончилик бўлишини тушунтиришарди. «Минг ташвиқотдан бир ўрнак яхши», деган гап бор. Фаоллар томорқаларида турли зироатлар ўстириб бошқаларга намуна кўрсатишарди. Мисол учун, Асқар Чориев «Боботоғ» маҳалла фуқаролари йиғинида қотиблик қилади. 25 ёшли қотиб доимо одамлар билан бирга, эл орасида. Асқарнинг отаси Яхшибой Чориев мактаб директори. Жорий йилда томорқасининг 50 сотихига Голландиядан келиштирилган тарвуз уруғи экишганди. Оила аъзолари — келини Нилуфар Маматқуллова, қизи Нилуфар, кенжа ўғил Анвар бир тан бир жон бўлиб, экинни парваришларди. Вақтида чопиқ қилишди, ўғитини солиб, зараркунандаларга қарши курашни қанда қилишмади. Экин талабидан келиб чиқиб тез-тез суғоришди. Худо баърақасини берди, июннинг ўртасида минг дон тарвуз узиб, ҳар бирини 1200 сўмдан кўтарасига сотишди. 500 сўмдан фўрсатда унча катта

бўлмаган тарвузпоядан олинган 35 тонна ҳосил 7,5 миллион сўм даромад келтирди. Етмаганига боқувдаги қорамоллар, қўй-эчкиларни сотиб, мойи аримаган «Нексия» автомашинасини харид қилишди. Мамадали Тўрамуродов «Шарқ юлдузи» қишлоқ фуқаролар йиғинига анчадан бери раислик қилиб келади. Юриш-туриши, устидаги оҳори тўқилмаган кийимларини кўрган киши бу одам қўлини совуқ сувга урмайди, деган хаёлга боради. Аммо эл оқсоқоли бўш вақтида фарзандларига бош бўлиб томорқага ўзини уради, ҳар хил зироат парваришлайди. Жорий йилда оила аъзолари билан 25 сотихли томорқасида саримсоқийё ўстирганди. Бир бош саримсоқ пиезга 300-350 сўмдан харидор келди. Натижада, оила 6 миллион сўм даромад қилди. Йиғин қотиби Раҳим Жабборов эса ўзи яшайдиган «Арслонбойли» маҳалласи ахли орасида тажрибали бобон сифатида танилган. Раҳим ака қайси экинни қачон экиш, қачон сувлашни бир агроном даражасида билади. У томорқасида 300 туп бо-

дом, 50 туп ёнғоқ ўстириб, ҳар йили яхшигина ҳосил олмақда. Айниқса, бу йил Раҳим аканинг тарвуз етиштириш тажрибаси элга овоза бўлди. Икки сотих майдонга тарвуз етиштирган хонадондан ҳозиргача ҳосил аригани йўқ. Даромади ҳам ярим миллион сўмга етди. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида «Шарқ юлдузи» қишлоқ фуқаролар йиғини худуди аҳолиси 793 гектар томорқа ерларидан 1180 тонна қортошқа, 1369 тонна пиез, 102 тонна қарам, 113 тонна сабзи, 140 тонна помидор, 296,7 тонна полиз маҳсулотлари, 50 тонна саримсоқийё, 56 тонна бодиринг, 172,5 тонна лавлаги, 30 тонна булғор қалампир ва 3041 тонна бошқа маҳсулотлар етиштириб, эл дастурхонига тортиқ эттирди. Айни пайтда тадбиркор томорқа эгалари оралиқ экин ҳосилини йиғиштириб олиб, бўшаган майдонларда қишки зироатлар ўстиришмоқда. 23 хонадонда эса 5-8 сотихдан иссиқхоналар ташкил этилиб, лимон дарахтлари парваришланмоқда.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Фаровонлик

Ҳар кўкнинг суйган тупроғи бўлади, дейдилар. Ўз уйида тинч яшайдиган одамнинг кўнглига ҳавас, қўшақўша ниятлар сиғиши мумкин. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ерининг чинакам эгалари кўлига берилиши олисини кўзлаб қилинган мақсадли ишлардан бири бўлди. Биргина Хатирчи тумани мисолида оладиган бўлса, ўз мулким, ўз далам дея шахд билан ишга киришган асл тадбиркорлар қисқа давр мобайнида мисли кўрилмаган натижаларга эришди. Тумандаги «Истиқлолнинг 10-йиллиги» фермер хўжалиги раиси Баҳром Эшнӣёзов ўз сармоясига асослиб, ишларини чорвачилик йўналиши бўйича белгилаб олганди. Орадан 9 йил ўтиб, қўл остидаги қорамоллар сони 385 бошга етди. Барно Ҳамроев раҳбарлигидаги «Бобоқайт» фермер хўжалигида парваришланаётган зотдор моллар қарийб 90 боши ташкил қилади. «Дўстлик» фермер хўжалигида 78 бош қорамол бўлиб, ундаги сизирларнинг аксарияти наслчилик талабларига хос тарзда йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Булар, шу эл учун, уларнинг фаровон яшаш учун хизмат қилмайдими?


Ҳар кимнинг ўз улуши бор

Бугунга келиб туманимизда 14 та зооветеринарлик пунктлари мавжуд бўлиб, улар ҳам наслдор молларнинг тобора кўпайишига хизмат қилмоқда. Туманда жорий йилда фермер хўжаликларидан 2600 бош зотдор мол парваришланаётган бўлса, фуқаролар қарамонидигилари сони 9620 бошни ташкил қилади. Бу сабр-иштиёқ билан иш юритаётган аҳолининг турмуш шароити тобора яхшиланиб бораётганидан далолат беради. Соҳада ибратли натижаларга эришишимизга Абдулла Қаршиев, Мардон Тоғаев, Холмўмин Аҳадов, Шухрат Рўзимуродов, Зокир Шохимардонов сингари ўз касбининг усталари муносиб улуш қўшмоқда. Кейинги йилларда Агросанаот мажмуи ходимлари касоба уюшмаси Хатирчи туман кенгаши билан ҳамкорлик мустаҳкамланди. Турли тадбирлар ўтказиш, соҳа қўрсаткичи ва натижалари бўйича қўлланма ёки буклетлар тайёрлашда касоба уюшма ташаббус кўрсатаётгани биз учун далда бўлапти. Деҳқон ва чорвадорлар ҳолидан биргаликда хабар олиб турибмиз.

Шокир ТўРАЕВ, Хатирчи туман давлат ветеринария бўлими бошлиғи

Оғриқ нуқталар

Инграётган қайрағочлар



Кўркамлиги билан шаҳар-қишлоқларимиз ҳуснига-хусн қўшадиган қайрағочлар илгари Фарғона шаҳрида кўп эди. Бироқ қаровсизлик туфайли қуриши ёки асбоб-анжом яшаш учун кесиб олиниши натижасида кескин камайиб бормоқда.

Шаҳарнинг Ломаносов кўчасидаги кўп қаватли 5-уй олдини қайрағочлар маскани дейиш мумкин эди. Бундан бир неча йил олдин бир тўйда ана шу қайрағочлар соясига ўтирганимиз ёдима. Бу йил август ойида шу томонга яна йўлимиз тушди. Аҳволни кўриб, кўнглим ачичди. Барглари капалаклар илма-тешиқ қилиб ташлаган, дарахт пўстлоғи ичига қурт тушиб озор бераётгани шундай кўзга ташланади. Бу

— йиллар давомидида қайрағочлар суғорилмай қолгани, зараркунандаларга қарши киёмий ишлов йўлга қўйилмаганидан, албатта. Фарғона шаҳар табииати муҳофаза қилиш кўмитасига бориб, аҳволни айтсақ, худуднинг эгаси бизга расмий мурожаат қилиши, хизматимизга ҳақ тўлаши керак, дея иттифоқ қилишди. Маҳаллада эса бундай ишларга маблағ етишмайди. Дарахт парваришини зиммасига олади-


ган хомийлар топиш янада қийин. Қайрағочлар дардида у ер-бу ерга қўлган мурожаатлари мисли самара бермади. Аксинча, қарданқир дарахтларни кесгани маъсул шахслар келишди. Маҳалла аҳолисининг ярами қайрағочларни кесиш тарафдори бўлса, ярами уларни ҳимоя қилди. Кейин дарахт кесувчилар Бурхониддин Марғинович кўчасидаги кўп қаватли 70-уй олдида тўхташди. Бу ердан қайрағочларни кесилга «чогланмишган эди, фуқаролар қаршилиқ қилишди. Тўғрида, бир туп дарахтни экиб кўчариш осонми? Айниқса, йўллар четига экинлар дарахтларга беларво муносабат кишини ажаблантиради. Соҳа мутахассислари аҳолини чуқур ўрганиб, тегишли ташкилотларга қўрсатмалар берса бўлмайди? Бугун шаҳарни улкан қурилиш майдонига ўхшатиш мумкин. Ҳар

бир мавзеда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда. Бироқ қурилишлар жараёнида кесилган дарахтлар ўрнига ўтказилаётган янги қўчлар аксарият ҳолларда қаровсиз қолапти. Йўл ёқаларидаги дарахтларни суғорадиган ариқлар очил ш яхши йўлга қўйилмаган. Бу эса экилаётган янги сафораси сингари экзотик, қimmatбахо дарахтлар ҳам кейинчалик қайрағочлардай инграб қолмасмикан, деган саволини кўндаланг қўяди. Фарғона каби минглаб дарахтлар билан ўраб олинган шаҳар кам. Шаҳримизга келган ҳар бир меҳмон ҳам аввало, бу ерни соясалқинлиги туфайли жаннатга ўхшатади. Аммо табиятга муносабат шу аҳволда давом этса, бу таърифни ўзгартиришга тўғри келадими, деб кўрамайиз.

Ҳамид ҒИЁСОВ, касоба уюшма фахрийси

Орамиздаги одамлар

«Ўзгеобурғуннефтегаз» акциядорлик компаниясига қарашли «Техник таъмирлаш ва бутлаш» унитар корхонасининг Қарши бўлинимасида кран ҳайдовчиси бўлиб ишлаётган Алимжон Расулов бахтини, ҳузур-ҳаловатини меҳнатдан топди. У касб-хўнар билми-юртини тугатиб, қурилиш материаллари комбинатида автокран ҳайдовчиси бўлиб ишга кирганида йигирма ёшга ҳам тўлмаган ёр йигит эди. Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз Ислоҳ Қаримов Фармони билан «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланди. Қарийб қирқ йиллик тажриба, касбига фидойиларча ёндашув муносиб баҳоланди.



Меҳнатидан қадр топди

— Камтарона меҳнатларим юксак мукофотга лойиқ топилгани учун Юртбошимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман, — дейди моҳир кранчи. — Корхонамизга қидирув ишлари олиб бораётган ташкилотларни бурғулаш ускуналари, кимё реагентлари, дала хиёзлари ва бошқа материаллари билан таъминлаш ва бутлаш бўйича фаолият юритади. Яқинда ишчиларга қўлайлик яратиш учун янги ошхона фойдаланишига топширилди. Мени қувонтирган жиҳат шуки, ёшларимизда ишлашга иштиёқ, қизиқиш қучли. Уларни қўриб муносиб ўринбосарлар вожа етаётганидан кўноман. Корхонада бўлганимизда қаҳрамонимиз ҳақида кўплаб илқ сўзларни эшитдик. — Автокран ҳайдовчиси бўлиш энг машаққатли касблар сирасига кириди, — дейди Алимжон аканинг ҳамкасби Жалол Қаримов. — Масалан, темирйўл вагонидида юк келди, дейлик. Шунинг ўз вақтида тушириб олиш талаб этилади. 60 тон-

на юк икки соат ичида тушириб олинмаса, темирйўл муассасасига жарима тўлаш белгиланган. Алимжон ака бунақа пайтларда шер бўлиб кетади. У кишининг меҳнатсеварлиги барчага маълум. Хатто дам олиш кунлари ҳам зарурат туғилди, дарров етиб келади. — Алимжон Расулов минорали кран ҳайдади ва ўз ишидан ташқари барча жараёнларни юқоридан бошқариб туради. Ёшларга хавфсизлик техникаси бўйича қўрсатмалар беради, билмаганларини ўргатади. Жамоада деярли барча унинг шогирдлари, — дея эътироф этди корхона бош мутахассиси Юсуфжон Умидов. Дарҳақиқат, бугун ҳамма бутун жамоа меҳнатидан қадр топган устозга ҳавас қилади. Ҳавас эса кишиларни ўзаро жиелаштирувчи, галдаги марраларга етакловчи омилдир. Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

«Respublika Mulk-Auksioni» ДК очик Аукцион савдоларига таклиф этади!

2010 йил 23 ноябр соат 15:00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидида аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Уч-Қаҳрамон кўчаси, 75-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки «VIP SERVICE NBU» Маркази унитар корхонасига қарашли Тошкент шаҳри, Муродова кўчаси, 11-уйда сақланаётган автотранспорт воситалари қўйилади. 1992 йилда и/ч хаворанг «ГАЗ-33073» бортли юк машинаси, давлат рақами 10 AS 117, бошланғич баҳоси 5 111 912 сўм. 1992 йилда и/ч хаворанг «ГАЗ-33073» бортли юк машинаси, давлат рақами 10 AS 118, бошланғич баҳоси 5 111 912 сўм. 1995 йилда и/ч кулранг «ГАЗ-31029», давлат рақами 10 AS 016, бошланғич баҳоси 3 097 426 сўм. 1995 йилда и/ч кулранг «ГАЗ-31029», давлат рақами 10 AS 017, бошланғич баҳоси 3 097 426 сўм. 1994 йилда и/ч оқранг «УАЗ-3962», давлат рақами 10 AS 122, бошланғич баҳоси 2 039 842 сўм. 1994 йилда и/ч оқранг «УАЗ-3962», давлат рақами 10 AS 244, бошланғич баҳоси 2 039 842 сўм. 1996 йилда и/ч сариқ ранг «УАЗ-3909», давлат рақами 10 AS 124, бошланғич баҳоси 2 216 749 сўм. 1990 йилда и/ч сариқ ранг «Иж-2715» фургон, давлат рақами 10 AO 799, бошланғич баҳоси 1 538 885 сўм. Аукцион савдоси солибларни томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчигига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдоридида комиссиянинг йиғим тўланади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК 2010 йил 25 ноябр куни аукцион савдоларини ўтказидади

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусовд тумани, Бодомдор кўчаси, «1А»-уйда жойлашган «Ўзқишлоқ-хўжалиқимиз» ДАК балансидаги 2002й.и/ч, д/р 10AQ212, бошланғич нархи 9 382 000 сўм бўлган «Дэу Магнус», 1997й.и/ч, д/р 10АС879, бошланғич нархи 4 626 000 сўм бўлган «Нексия»; «Тошшаҳартрансизм» уюшмасининг 2002й.и/ч д/р 10A0N66, бошланғич нархи 2 300 000 сўм бўлган «ГАЗ-3102» русумли автотранспорт воситалари қўйилади. Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун бошланғич нархнинг камиди 20 фоизи миқдоридида закалат пули «РОУТАХТ АУКСИОН»-ДУКнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади. Савдо гóлибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдорини сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тўзугунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-А-уй.


Алоқа телефони 233-23-49, телефакс 233-23-40, электрон почта P-A\_DUK@mailru. Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати Ишлар Бошқармаси автохўжалигининг д/р 01/291КАА бўлган «ГАЗ-31029» — 2 550 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кузурдаги Давлат захираларининг бошқаруш кўмитасининг «Марказий» комбинати балансидаги д/р 10AT702 бўлган «Нексия»—7 050 000 сўмга; Тошкент шаҳар хокимлиги автотранспорт корхонасининг д/р 10АН688 бўлган «Тико» —7 550 000 сўмга; «UzGazOil» масъулияти чекланган жамиятининг иккита «Тико» русумли д/р 01/241GBA — 5 350 000 сўмга; д/р 01/286GBA — 5 510 000 сўмга; иккита «Газ-330210» русумли д/р 01/287GBA — 9 050 000 сўмга; д/р 01/289GBA — 11 710 000 сўмга сотилганини маълум қилади.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бошқарувининг 14.08.2010 йилдаги 14/2-сонли қарорига ҳамда ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Тошкент шаҳар минтақавий филиали Кредит комиссиясининг 18.10.2010 йилдаги қарорига асосан, банкнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиалига тегишли, Тошкент шаҳар, Дж.Абидова кўчаси, 316-уй манзилида жойлашган, 29-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 34 384 000 сўм. Аукцион савдоси 2010 йил 25 ноябр куни соат 10:00да бўлиб ўтади. Юқоридидаги кўчмас мулк 2010 йил 25 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, кўчмас мулкнинг тақдирини аукцион савдоси 2010 йилнинг 29 ноябр кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилиши-

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Самарқанд вилояти касоба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда барча тармоқ касоба уюшма кенгашлари ва вакилликлари жамоалари вилоят касоба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири Абдуқарим МИРЗАКУЛОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамда яқинларига таъзия изҳор этади.



Изагулла ХОЖИЕВ олган сурат

Куз саховати

«Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» республика танловига

Халқаро аренада юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар тобора ортиб бораётгани қувонарли ҳолатдир. Шундайлардан бири тазквондо (WTF) бўйича бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, 2006 йили Доха (Қатар)да ўтказилган XV Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори Евгения Каримовадир.

«Кумуш» қизнинг олтин орзуси

Евгения мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвони билан тақдирланди. Табиийки, саволимиз ҳам шу ҳақда бўлди. — Уша кун ҳеч қачон ёдимдан чикмаса керак. Қувончимни сўз билан таърифлаб бера олмаман. Буларнинг барчаси устозларим Барно ва Акубер Фармоновларнинг хизматлари самараси деб биламан. Иқтидорли тазквондочи Евгения Каримова 1989 йилнинг 12 июнида Бухоро шаҳрида туғилган. Тиришқоқ, энг муҳими, қониқши ҳиссидан йироқ. Кўп машқ қилади. Ёш бўлишига қарамай, аризулик натижаларга эришишга улгурди. Жумладан, 2003 йил илк бор республика чемпионатида иштирок этиб, шохсупанинг юқори поғонасини эгаллади. 2004-2005 йилларда ҳам мазкур натижани такрорлаб, мамлакат терма жамоаси аъзоллигига қабул қилинди.

Орадан уч ой ўтгач, у тазквондо бўйича вилоят биринчилиги ғолиби бўлди. Онаси Татьяна опа собиқ спортчи (парашютда сакраш бўйича) бўлса-да, узоқ вақт қизнинг тазквондонни танлаганига кўнкулмай юрди. Отаси Сергей ака эса кураш ҳадисини олган эмасми, бу ҳолатга ижобий қаради. Шу тариқа Ўзбекистон тазквондо мактаби ана бир иқтидор эгаси билан бойиди. Тинимсиз машғулотлар аста-секин самара бера бошлади. 2005 йилда Қозғистоннинг Алматы шаҳрида ташкил этилган Осиё ўйинларида унинг ўринига сазовор бўлди. Кейинги йил Умирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Буни қарангки, 2007 йилда «Корея олен» мусобақасида ҳам иккинчи ўрин насиб этди. Утган йили Таиланда ўтган Шарқ аққуларига спорт турларининг I Осиё ўйинлари, Жанубий Кореяда уюштирилган «Корея олен» АҚШда бўлиб ўтган «Америка олен» турнирларида ҳам шу ҳол такрорланди. Яқинда Қозғистоннинг Астана шаҳри



мезонлик қилган 2010 йилги қитъа чемпионатида ҳам иккинчи поғонадан жой олди. — Эътибор берган бўлсангиз, қўлга киритган медалларимнинг аксарияти кумуш, насиб этса, Хитойда бўлиб ўтадиган XVI Осиё ўйинларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, Ватанимизга олтин медал билан қайтишни ният қилганман, — дейди Евгения. — Бу йўлда менга Ю.Юнтеқ (Жанубий Корея), Александр Ли, Александр Ким ва Баэк Мун Жон устозлик қилишмоқда. Ундан сўнг 2012 йили Лондон (Англия) шаҳри мезонлик қиладиган XXX ёзи Олимпиада ўйинларига пухта тайёргарлик кўришни бошлашимиз. Бунинг учун 2011 йилнинг феврал ойда Озарбойжоннинг Боку шаҳрида «Лондон — 2012»га йўлланма берувчи халқаро турнирда ғолиб қиқшиш ва йўлланмага эга бўлиш лозим. Евгения доимо интилувчанлиги, ташаббускорлиги билан ажралаб туради. Хоҳ спорт, хоҳ ўқишда бўлсин етакчи бўлишни ёқтиради. — Кейинчалик, мен ҳақимда спортда нималаргадир эришди, ўқишда эса йўқ дейишмасин. Қолаверса, отамнинг менга билдирган ишончи (отаси бундан беш йил муқаддам вафот этган) ҳеч қачон хотирамдан кўтарилмайди. Мақсадим — 2012 йили Лондонда ўтадиган навбатдаги ёзи Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиб, унда муваффақият-ли иштирок этиш.

Нарзулла МАХАМОВ, «Ishonch» муҳбири Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат



Санъат Шу йилнинг 24-29 октябр кунлари пойтахтимизда ҳинд кино ҳафталиги бўлиб ўтади. 24 октябр кунин Алишер Навоий номидаги кинотеатрда ҳафталикнинг тантанали очилиш маросими ўтказилади.

Ҳинд кино ҳафталиги

Тадбир доирасида машҳур режиссёр ва актёр Раж Капурнинг тўнғич фарзанди Рандхир Капур ҳам Ўзбекистонга ташриф буюради. Рандхир 2006 йилнинг ноябрда ухаси Риши ҳамда кўшиқчи Муқеш билан мамлакатимизда бўлиб, Тошкент ва Наманган шаҳарларида уюштирилган тадбирларда иштирок этганди. Ҳинд киноси ҳақида гап кетганда, Раж Капур, Амитабх Банчан, Раж Кумар, Митхун Чакраборти, Шохрух Хон, Амир Хон, Кожол каби актёрлар кўз олдимизда гавдаланади. Болливудда йилига ҳинд, урду ва панжоб тилларида икки юздан ортиқ фильм суратга олинади. Узининг 114 йиллик санасини нишонлаган Ҳиндистон киноси ҳақида яна бир маълумот: Мамлакатда барча кинотеатрларнинг ҳисобига олганда йилига 800 та бадиий, мингга яқин тўлиқ метражли ва 1200 та қисқа метражли фильм ишлаб чиқарилади. Ҳиндистонда 15 мингдан ортиқ кинотеатр бўлиб, уларда ҳар кун 4-5 тадан янги фильм намойиш этилади. Кинотеатрга ҳар чоракда тахминан 1 млрд. одам тушади. Қайси штатга борманг, у ерда албатта маҳаллий кинотеатрлар фаолият юритаётганига гувоҳ бўласиз. Ҳайдаробод ҳудудида жойлашган Раможки Фильм Сити студияси фильм суратга олиш бўйича Осиёда биринчиликни эгаллаган. Гиннеснинг рекордлар китобига киритилгани ҳам бежиз эмас. Студия павилонларида бирварақайига саккизта фильм олиш имкони бор. Ушбу кинотеатрдан фойдаланишнинг бир кўнлик нархи 100 минг рупийдир. «Раможки Фильм Сити»нинг ўзбекистонлик санъаткорлар билан боғлиқ жойи ҳам бор. Таниқли режиссёр Латиф Файзиёев «Али Бобо ва қирқ қароқчи» филминини тайёрлаш жараёнида ушбу студия павилонларидан ҳам фойдаланган.

Ўзбек ва ҳинд санъаткорлари ўртасида ижодий алоқалар янада раванк топишига, муҳлислар кўнгли янги-янги асарлар билан хушнуд этилишига ишонамиз. — Бундай йирик мусобақада биринчи бор иштирок этишим эди, — эслайди Евгения. — Шунинг учун бўлса керак, мени бир дақиқа

Азимжон ПУЛАТОВ

Рух меҳр-мурувватдан улғаяди

Ҳамдардлик, меҳр-шафқат каби гўзал хислатлар бўлмаса, одам ҳеч кимга, ҳатто ўзига ҳам яхшилик қилолмайди. Арасту фикрича, ўзига яхшилик қилиш ёмонларга қўшилмаслик, илм ва ҳунар ўрганишдир.

Атоқли тиббиёт олими ва жамоат арбоби Абдукарим Усмоновнинг «Дорисиз қалб давоси» китобида, инсон руҳини ҳаққон санолаётганининг нозик ва мураккаб алоқадорлиги ҳақида ҳам тиббий, ҳам фалсафий жиҳатдан янги фикр, ғоялар билан танишамиз. Муаллифнинг фикрича, соғлом ҳаёт кечириш учун руҳий фаоллик зарур. Агар руҳий фаоллик етарли бўлмаса, одам вужудига ҳаётини қувват замиф, ланж бўлади. Табиатан ланж одамда руҳий фаоллик етишмайди. Бундай одам, Арасту ҳақим «Ахлоқи кабир» асарига айтганидек, гўзалликдан, яхши ишлардан, дўстлар меҳридан қувонмайди, ёмон ва гуноҳ ишларни курси газабланмайди, яъни тепса тебранмасдир. Китоб муаллифи шундай фикр билдиради: «Агар руҳий фаоллик ҳаддан ошқ бўлса, ҳаёт манбаи тез тугайди». Яъни, сал нарсага хуноб бўладиган одам ўз ҳаётини жуда қийинлаштириб юборади, натижада, турли касалликларга чалина бошлайди. Олим яна шундай дейди: «Одам ўз ҳаётини шундай қуриши керакки, у ҳаётда ҳеч кимга халақит бермасин ва бирор кимсига қарам ҳам бўлмасин. Қийинчиликларга дуч келса, ўзини йўқотиб қўйиш ёки ақинча, хурсандчилик, муваффақият, омад келганида ҳаддан зиёд қувониб кетишининг ҳам кераги йўқ. Шу билан бирга, ҳар ким ўз қобилиятини муносиб баҳолаши, ўз хо-

шиши ва талабларини муайян имкониятлари билан таққослаб кўриши ҳамда эришиб бўлмайдиган вазифа (мақсад)ларни ўз олдига қўймаслиги керак». Бундай фикрлар ўқувчини ўз ҳаёт йўли ҳақида хиддий ўйлашга мажбур этади. Чиндан ҳам инсон бошига жуда кўп бахтсизлик, нохушлик, шармандаликлар ўз имкониятларини ҳисобга олмай ҳовлиқшидан, таъмагирилги, очқўзликдан, сабрсиз, қаноатсизликдан, камтарона яшашига норозилигидан, ношуқурликдан келади. Ўзи яхшиликка интилгани ҳолда, сабр-қаноат билан яшайдиган одамлар руҳан хотиржамлиги туфайли соғлом ва узоқ умр кечиради. «Аммо дунёда шундай одамлар ҳам борки, — дейди муаллиф. — Улар ўзларининг кўнгул оламидан беҳабар бўладилар. Инсонга дил нима учун ато этилганини билишмайди. Улар фақат еб-ичишни, ухлашни, тиркичилик учун меҳнат қилишни, яъни кун кечиришни асосий мақсад деб билдилар. Имом Газалий бу ҳақда шундай ёзади: «Инсон ҳаётининг асл маъноси руҳ ҳаётидирки, ани дил олами дерлар. Инсон вужудидида мана шу руҳ, яъни дил подшоҳидир... Инсон вужудининг барча аъзолари подшоҳ Дилнинг лашкарлари бўлиб, анинг амр-фармони билан иш тутарлар». «Дорисиз қалб давоси» китобида, шунингдек, «Одамзод руҳи

модийми?» деган масала ўртага ташланади. Бу фаслда Абдукарим Усмоновжаев қадимги Ҳинд ва Юнон фалсафаси ғояларига асосланиб, инсоннинг вужуди билан бирга, унинг карма, руҳий «мен» деб аталувчи ҳаёлий вужуди ҳам бўлиб, инсон уйқудалигида ана шу руҳий «мен»и ўзга оламларга, ўзга сайёраларга ҳам бориб келади. Инсонга ғайб оламидан айрим хабарлар келтиради. Ҳаётнинг турли иллатларидан, гуноҳ ишлардан ўзини поклай олган нодир, камтарин инсонлар ухламаган вақтида ҳам олис оламлар билан «борди-келди» қилиб, алоқа бўлиб туради. Абдукарим Усмоновжаев айрим физик ва кимёгар олимларнинг руҳ ва ҳаёлийнинг ҳам моддий, лекин жуда латиф, энгиллиги ҳақидаги фикрларига қўшилади. «Дунёвий (моддий) лептон гази ҳаддан зиёд энгил заррачалардан ташкил топган. Илмий адабиётларда бу нурсурларни кўп-кўп турларда таъсирланган: электронлар, позитронлар, теонлар, нейтронлар шулар жумласидандир». Содда қилиб айтганда, лептонлар инсон физика ва сезгилари, моддий дунёдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги ахборотларни ташувчи газдир. Бу газ таркибида коинотда бўлиб ўтган, ҳозир эъ бераётган ва келажақда юз беражак барча воқеа ва ҳодисалар мажмуи мавжуд бўлади. Абдукарим Усмоновжаев бу

Тошпўлат ТОШЛАНОВ, фалсафа фанлари доктори. Маҳкам МАХМУД, ёзувчи



Спорт оламида Жаҳон чемпионати Вакилларимиз чорак финалда

Хабарингиз бор, шу кунларда Аргентинада ногирон-ампутант футболчилар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтаётти. Амалдаги чемпион сифатида иштирок этаётган мамлакатимиз терма жамоаси гуруҳ ўйинларини кўтаринки рўҳда ўтказиб, чорак финалга йўлланмани қўлга киритди. Аслида, «В» гуруҳида ҳам бошқарилган бўлган терма жамоа жой олганда. Бироқ мундиал арафасида гуруҳдаги Нигерия терма жамоасининг чемпионатга кела олмалиги маълум бўлди. Шундан сўнг, учта жамоа баҳсларга киришди. Унда мамлакатимиз термаси икки ўйин натижасига қўра, битта ютук — Бразилия термасини 1:0 ҳисобидан ва битта дуранинг, Ўзбекистон — Эрон 0:0, гуруҳда пешқадамга айланди. Айтиб ўтиш лозимки, Нигерия терма жамоасининг Аргентинага кела олмалиги бизнинг термаимизга қўл келди. Чунки Аргентинага Англия орқали сафарга чиққан Анвар Исмоилов бошчилигидаги жамоа самолёт билан боғлиқ сабаблар туфайли бир неча соат Лондонда ушланиб қолган, Аргентинага эса мусобақа бошланishi арафасида етиб борган эди. Шундай қилиб, ҳамюртларимиз чорак финалда Англия термасига қарши кеча майдонга тушди. Ярим финал ўйинлари 24 октябр, финал баҳслари 27 октябрга режалаштирилган.

«Лондон — 2012» олдидан

Биринчи босқичга қуръа ташланди 2012 йилда Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзи олимпиада ўйинлари олдидан футбол бўйича саралаш тизимининг биринчи босқичига қуръа ташланди. Мазкур саралашда иштирок этиш учун 35 та давлат ариза топширган ва дастлабки иккита босқич ўйинлари плей-офф шаклида ўтказилади. Рейтинг жадалининг куйи қисмида жойлашган 22 та жамоа дастлабки босқичда ўзаро тўқнаш келадилар. 11 та ғолиб эса иккинчи босқичда 13 та жамоага қўшилиб, мусобақани давом эттиришади. Ниҳоят, учинчи босқичда 12 та жамоа учта гуруҳга бўлинган ҳолда олимпиада йўлланмасини учун кураш олиб боришади. Ўз муҳбиримиз

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and office details.